2434

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

*Қўлёзма ҳуқуқида*
УДК: 94(575.1)64+67(575.1)

ХУДОЙҚУЛОВ УРАЛ КАРИМОВИЧ

# ЎЗБЕКИСТОНДА ЕНГИЛ ВА ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИ: РИВОЖЛАНИШИ, МУАММОЛАР ВА НАТИЖАЛАРИ (1970–1980 ЙИЛЛАРДА ЖАНУБИЙ ВИЛОЯТЛАР МИСОЛИДА)

07.00.01 – Ўзбекистон тарихи

Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш
учун тақдим этилган диссертация

**А В Т О Р Е Ф Е Р А Т И**

Тошкент – 2010

ФАРҒОНА ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИ
КЕЛИШНИ ҚАЙД ЭТИШ
СОНИ 68
12 - 04 2010 й

Диссертация Термиз давлат университетининг "Ўзбекистон тарихи" кафедрасида бажарилган.

| | |
|---|---|
| **Илмий раҳбар:** | тарих фанлари доктори, профессор<br>**Турсунов Сайфулло Нарзуллаевич** |
| **Расмий оппонентлар:** | тарих фанлари доктори, профессор<br>**Бобожонова Дилором Бобожоновна** |
| | тарих фанлари номзоди, доцент<br>**Тўрақулова Хурсаной** |
| **Етакчи ташкилот:** | Тошкент давлат аграр университети |

Ҳимоя 2010 йил май ойининг 7 куни соат 16[00] да Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги 07.00.01-«Ўзбекистон тарихи» ихтисослиги бўйича тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун К.067.02.12 рақамли Ихтисослашган кенгаш мажлисида бўлади. Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Талабалар шаҳарчаси, ЎзМУ. e-mail: kengash@nuu.uz.

Диссертация билан Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети илмий кутубхонасида танишиш мумкин (100174, Тошкент шаҳри, Талабалар шаҳарчаси, ЎзМУ).

Автореферат 2010 йил апрел ойининг 5 куни тарқатилди.

**Ихтисослашган кенгаш**
**илмий котиби** **т.ф.н., доц. А.А. Одилов**

# I. ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

**Мавзунинг долзарблиги.** Мустақиллик йилларидаги ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар кенг миқёсдаги ислоҳотларнинг амалга оширилиши туфайли жамиятнинг тубдан ўзгариши, янги ижтимоий тузумнинг шаклланишига имконият яратди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов миллий мафкуранинг шаклланиш жараёнида тарих фанининг ўрнига юксак баҳо бериб: «Миллий мафкурани шакллантиришдаги энг катта манба – бу ҳаққоний ёритилган тарихдир», – деб кўрсатган эди.[1] Шунингдек, Президент тарихнинг инсон ва жамият тараққиётидаги ролига баҳо бериб: "Ўз тарихини билмайдиган, кечаги кунини унутган миллатнинг келажаги йўқ. Бу ҳақиқат кишилик тарихида кўп бора ўз исботини топган"[2], – деб таъкидлайди.

Ўзбекистоннинг жанубий вилоятларида енгил ва озиқ-овқат саноатининг ривожланишини ўрганиш тарихни холисона, илмий тарзда ёритиш учун имконият яратади. Чунки, жанубий вилоятларнинг енгил ва озиқ-овқат саноати Ўзбекистон иқтисодиётида алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, ушбу соҳаларнинг тарихий ривожланиш тенденцияларини илмий жиҳатдан тадқиқ этиш долзарб масаладир. Шундан келиб чиққан ҳолда тадқиқот ишининг илмий объекти сифатида Ўзбекистоннинг жанубий вилоятларида 1970–1980 йилларда енгил ва озиқ-овқат саноатининг ривожланиши билан боғлиқ муаммо ва натижалар мавзуси танланди. Ўзбекистонда ушбу йилларда енгил ва озиқ-овқат саноатини ривожлантиришга эътибор берилган бўлса-да, бироқ, ушбу йўналишларнинг ҳаммаси Марказ манфаатларига мослаштирилган ҳолда олиб борилиб, миллий аҳамиятга эга енгил ва озиқ-овқат саноатини ривожлантиришга совет ҳукумати томонидан моддий ва маънавий шароит яратиб берилмади. Жанубий вилоятларда енгил ва озиқ-овқат саноатини ривожлантириш масаласи совет ҳукумати манфаатларига мослаштирилиб, миллий имкониятлар, талаб-эҳтиёжлар ҳисобга олмаган ҳолда амалга оширилди. Шунингдек, енгил ва озиқ-овқат саноати корхоналарини жаҳон андозалари асосида қайта таъмирлаш, янгиларини қуриш ҳамда маҳсулот турларини кўпайтириш масаласига жиддий эътибор берилмади.

Енгил ва озиқ-овқат саноатининг бошқа тармоқлардан фарқланувчи ўзига хос муҳим бир хусусияти мавжуд, яъни бу тармоқ корхоналари моддий-техника кувватининг доимо маънавий жиҳатдан янгиланиб боришини тақозо этади. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов таъкидлаганидек, "...енгил ва озиқ-овқат саноати соҳаларида тез ўзгарувчан бозор талаби техника ва технологияни узоғи билан 5–7 йилда, ривожланган мамлакатларда эса бундан ҳам қисқа муддатларда ўзгартиришни талаб эта-

[1] Каримов И. Миллий истиқлол мафкураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. –Тошкент: Ўзбекистон, 2000. –Б. 34.
[2] Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Тошкент: Маънавият, 2008. –Б. 4.

ди"[3]. Совет ҳокимияти йилларида ушбу корхоналарнинг рақобатбардош, жаҳон андозаларига мос келадиган сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришига, уларни экспортга жўнатиш масаласига умуман эътибор берилмади.

Ўзбекистон 1970 –1980 йилларда енгил ва озиқ-овқат саноати маҳсулотларини экспортга чиқарувчи республикага айлансада, Марказ назорати асосида у фақат пахта толасини социалистик мамлакатларнинг саноат корхоналарига юборди ва чиқарилган экспорт товарларидан Ўзбекистон ҳеч қандай моддий манфаат кўрмади. Пахта толасини қайта ишловчи енгил саноат корхоналарининг асосий қисми Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудларида жойлашган бўлиб, бу ҳолат пахта толасининг йирик заҳираси эканлиги билан изоҳланади. Жанубий вилоятларда мамлакат миқёсида пахта толаси, ёғ-мой, йод, карбит, ош тузи казиб олиш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналар мавжуд бўлсада, совет ҳокимияти йилларида ушбу корхоналар замонавий технологиялар билан жиҳозланмади, чет эллик ҳамкорлар билан биргаликда ишлаш тажрибалари умуман йўлга қўйилмади, шунингдек, соҳанинг ривожланишига имконият яратилмади.

Ўзбекистонда, шу жумладан, жанубий вилоятларда енгил ва озиқ-овқат саноати соҳасининг шаклланиши ҳамда унинг ривожланиш жараёнига хос қонуниятларнинг тарихий аспектларини илмий жиҳатдан тадқиқ этиш, колаверса, бу соҳадаги мавжуд камчилик, муаммолар, уларнинг оқибат ва натижалари, шунингдек, қўлга киритилган ютуқларни илмий таҳлил қилган ҳолда совет ҳокимияти йилларидаги тажрибалардан хулоса чиқариб, илмий ва амалий аҳамиятга эга мулоҳазаларни бериш бугунги кунда Ўзбекистон тарихи фани олдидаги асосий вазифалардан биридир. Демак, совет ҳокимияти йилларида Ўзбекистон иқтисодиётида муҳим ўрин тутиб келган енгил ва озиқ-овқат саноати соҳаларида мавжуд муаммолар ва камчиликларни илмий жиҳатдан ўрганиб, уларнинг оқибат ва натижаларига жиддий эътибор бериш ҳамда енгил ва озиқ-овқат саноати соҳасида йўл қўйилган камчиликларни тадқиқ этиш, уларни бартараф этиш жараёнини таҳлил қилиш долзарб масалалардан биридир.

Юқоридаги мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудларида енгил ва озиқ-овқат саноати тарихини ўрганишда совет давридаги саноат соҳасида эришилган натижалар, мавжуд муаммолар, камчиликлар, уларни бартараф этиш соҳасида амалга оширилган сиёсатнинг туб моҳиятини тарихий жиҳатдан холисона таҳлил этиш ушбу мавзунинг долзарблигини асослайди.

**Тадқиқотнинг даврий чегараси** 1970–1980 йилларни ўз ичига олади. Бу даврда Ўзбекистонда енгил ва озиқ-овқат саноатининг ривожланиши мавзусини жанубий вилоятлар бўлган Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари мисолида ўрганиш илмий тадқиқотнинг даврий чегараси сифатида белгилаб олинди.

[3] Каримов И. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Тошкент: Ўзбекистон, 2009. –Б.41.



**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Тадқиқ этилаётган мавзунинг тарихшунослиги Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудларида енгил ва озиқ-овқат саноати ривожланишининг натижалари ва муаммоларига бағишланган бўлиб, бу тарихий тадқиқотларда саноат корхоналарининг иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳаётга таъсири, ушбу соҳада амалга оширилган ишларнинг Марказ манфаатларига мослаштирилганлиги, миллий, иқтисодий имкониятларнинг ҳисобга олинмаганлиги, мавжуд аниқ имкониятдан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқариш кучларининг тараққий этмаганлиги илмий таҳлил этилган.

Мавзуга оид тарихий адабиётларни қуйидаги икки даврга ажратиш мумкин:

1. Совет ҳокимияти даврида мавзуга оид нашр этилган адабиётлар.
2. Мустақиллик йилларида яратилган тадқиқотлар, чоп этилган адабиётлар.

**Биринчи даврда** яратилган асарлар ва тарихий тадқиқотларда маҳаллий ишчи ва ходимларни тайёрлаш, касби бўйича маҳоратини ошириш масалаларига эътибор берилмаганлиги, ишлаб чиқаришда маъмурий-буйруқбозлик, қўшиб ёзиш ҳолатлари мавжуд эканлиги кўрсатилиб, бу асарлар тарихчилар ва иқтисодчилар томонидан тайёрланган бўлса-да, бироқ уларда мавзуга доир масалаларга фақат қисман тўхтаб ўтилган.[4]

XX асрнинг 70-йилларида яратилган Ўзбекистон тарихининг ушбу даврига оид тадқиқотлар ва бошқа адабиётларда Ўзбекистоннинг жанубий вилоятларида енгил ва озиқ-овқат саноатининг ривожланиши масаласи ўша давр мафкурасини эътиборга олган ҳолда таҳлил этилган. [5] Масалан, тўрт жилдли "Ўзбекистон ССР тарихи"нинг 4-жилдида мазкур муаммо хусусида сўз юритилганда фақат ютуқ ва муваффақиятларга эътибор берилиб, енгил ва озиқ-овқат саноати соҳасидаги камчиликлар, ишчи-муҳандислар маиший турмуш тарзидаги камчиликлар, ижтимоий-иқтисодий масалада маҳаллий шароитни ҳисобга олган ҳолда амалий ишлар қилинмаганлиги ҳамда иш ҳақи паст даражада бўлганлиги, ушбу иш ҳақи билан ишчилар ва муҳандис-техниклар оила бюджетини шакллантиришда қийинчиликларга дуч келганлиги хусусида фикрлар билдирилмаган.

XX асрнинг 80-йилларида халқ хўжалиги аҳволини таҳлил этувчи асарлар ҳамда тарихий монографиялар юзага келди.

Ўзбекистонда енгил ва озиқ-овқат саноати тарихига бағишланган бир қатор монографияларда ушбу соҳа ишчи-ходимларининг ижодий фаолияти, индустрлаштириш тажрибаси, иқтисодиёт ва миллий масалага доир саноат

[4] Народное образование, наука и культура в СССР. – М.: «Статистика», 1971. С. Насырходжаев. Интеллигенция Узбекистана и ее роль в строительстве коммунизма. – Ташкент: Ўзбекистан, 1972.

[5] История Узбекской ССР. С древнейших времен до наших дней. Под редакцией И.М. Муминова. – Ташкент: Фан, 1974; Ўзбекистон ССР тарихи. Қадимги даврлардан ҳозирги кунларгача. И.М. Мўминов таҳрири остида. – Тошкент: Фан, 1974; Социально-экономическое развитие Узбекистана за годы Советской власти. – Ташкент: Узбекистан, 1984.

соҳасида амалга оширилган ишлар, қайта қуриш даври натижалари хусусида фикр юритилсада, бу тарихий адабиётлар коммунистик мафкура ва партия сиёсатига мос ҳолда ёзилган эди. Уларда совет ҳокимияти сиёсатининг ижобий натижалари бир томонлама ёритилган бўлиб, маҳаллий шароитни ҳисобга олган ҳолда саноат корхоналарини қуриш, иш билан таъминлаш, қайта ишланган озиқ-овқат саноати маҳсулотларини сақлаш масаласига эътибор берилмаганлиги манбалар асосида таҳлил этилмаган[6].

Мазкур мавзуга оид тарихий тадқиқотлар орасида ушбу йилларда Ўзбекистонда ҳимоя қилинган номзодлик ва докторлик диссертациялари ҳам мавжуд бўлиб, Қ. Усмонов, Д. Бобожонова, С. Турсунов, Ж. Турсунов ўз тадқиқодларида[7] муаммонинг айрим жиҳатларини ёритиб ўтганлар. Хусусан, Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудларидаги шаҳарлар тарихига оид илмий тадқиқотларда Денов, Шеробод, Бойсун, Шарғун, Шўрчи каби Сурхондарё вилоятидаги шаҳарларда енгил ва озиқ-овқат саноати ривожланишининг айрим жиҳатлари кўрсатилган. Бироқ, бу тадқиқотларда коммунистик мафкуранинг таъсири яққол сезилиб туради. Чунки, ушбу тадқиқотлар асосан партия сиёсати, уларда партиянинг енгил ва озиқ-овқат саноати масаласидаги Марказ манфаатларини ҳисобга олган ҳолда чиқарган қонун ва қарорлари, шиорлари ҳамда социалистик мусобақа йўналишида амалга оширилган чақириқлари ва натижаларини таҳлил қилиш билан боғлиқ манбаларга кўпрок эътибор берилган.

Мустақиллик йилларида яратилган тадқиқотлар **иккинчи даврни** ташкил этади. Бу йилларда енгил ва озиқ-овқат саноати билан боғлиқ илмий тадқиқот ишлари олиб борилиб, Э. Қобилов ва А. Тўхтаевнинг Ўзбекистонда 1917–1941 йилларда ҳунармандчилик, 1946–1960 йилларда Ўзбекистоннинг жанубий вилоятларида енгил ва озиқ-овқат корхоналарининг ишга туширилиши, уларнинг халқ хўжалиги тараққиётидаги аҳамияти таҳлил этилган[8].

---

[6] Расулов Х., Эргашев О. Омманинг ижодий фаолияти ва илмий-техника революцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 1973; Искандеров И.И. Текстильная промышленность Узбекистана. – Ташкент: Узбекистан, 1974.

[7] Усманов К. Деятельность коммунистической партии Узбекистана по подготовке, расстановке и воспитанию инженерно-технических и экономических кадров (1961–1965 гг.): Автореф. дис. … канд. ист. наук. – Ташкент: 1969; Турсунов С.Н. История развития новых социалистических городов Узбекистана – Денау и Шерабада: Автореф. дис. … канд. ист. наук. – Ташкент: 1985; Бабаджанова Д.Б. Сотрудничества рабочего класса Узбекистана с братскими республиками в развитии легкой промышленности в 70-е годы: Автореф. дис. … канд. ист. наук. – Ташкент: 1989; Турсунов Ж.Н. История экономического и социального развития городов Узбекистана (на примере городов Байсун, Шаргун, Шурчи). 1971–1990 гг: Автореф. дис. … канд. ист. наук. – Ташкент: 1995 и др.

[8] Кабулов Э.А. История развития легкой и пищевой промышленности в южных областях Узбекистана в 1946–1960 гг. Опыт и проблемы: Автореф. дис. … канд. ист. наук. – Самарканд: 1994; Тўхтаев А.Қ. Ўзбекистонда миллий ҳунармандчилик ва уни "социалистик" асосда саноатлаштиришнинг ижтимоий оқибатлари (1917–1941 йиллар). Тарих фан. номз. дис. … – Тошкент: 2001.



Қ. Аллановнинг тадқиқотларида[9] Сурхондарё вилоятида пахтани қайта ишлаш ва тайёрлаш саноатининг жуғрофий жойлашиши масалалари ёритилган.

Ўзбекистоннинг совет ҳокимияти йилларидаги тарихини ўрганишга бағишланган фундаментал тадқиқотлардан бири ҳисобланган «Ўзбекистоннинг янги тарихи» (2-китоб) асарининг учинчи ва тўртинчи бобларида[10] республика саноат тараққиётининг бир томонлама хусусияти, социализмни ислоҳ қилишга сўнгги уриниш: "қайта қуриш" сиёсати, халқ хўжалигида "қайта қуриш"нинг самарасизлиги, Ўзбекистон билан Марказ манфаатлари ўртасидаги зиддиятларнинг кучайиши, мустабид тузум инқирозининг муқаррарлиги, Ўзбекистон саноати ривожланишида жиддий зиддиятлар келиб чиқишининг сабаблари таҳлил этилган. Енгил ва озиқ-овқат саноатининг совет давридаги тараққиёти, саноатнинг ҳаддан ташқари оширилган ривожлантириш ҳажмлари ва суръатларининг Марказ манфаатларига мослаштирилиши, саноат кувватларини ошириш эса экстенсив усуллар билан, яъни асосан янги саноат объектлари қуриш, шунингдек, ишлаб турган саноат объектларини қайта қуриш ва кенгайтириш ҳисобига амалга оширилганлиги қайд этилган. Шунингдек, бу китобда саноатни ривожлантиришда Ўзбекистонда метрополиянинг иқтисодий ривожланган минтақаларининг пахтага бўлган ортиб борувчи эҳтиёжини таъминлашдек мустамлакачилик қоидасига қатъий амал қилинганлиги таъкидланган.

Ўзбекистоннинг иқтисодий ривожланишини, иқтисодиётнинг асосий тамойилларини, енгил ва озиқ-овқат саноати корхоналарининг иқтисодий тараққиётини ривожлантиришдаги омиллар, камчиликлар ҳамда ушбу соҳани ривожлантиришдаги ўзига хос хусусиятлар ҳақида манбаларни таҳлил этган бир қанча монографиялардан ҳам илмий мавзуни ёритишда фойдаланилди[11].

Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудларида жойлашган Термиз, Шаҳрисабз ва Қарши шаҳарлари юбилейларининг сўнгги йилларда ўтказилиши муносабати билан мазкур шаҳарлар тарихига оид яратилган адабиётлар[12], ўтказилган халқаро конференцияларнинг материалларида[13] ҳам муаммонинг айрим жи-

---

[9] Алланов К. Территориальные системы производства и переработки хлопка Сурхандарьинской области: Автореф. дис. … канд. геогр. наук. – Ташкент: 1996.

[10] Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2-китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. – Тошкент: Шарқ, 2000. – Б. 520-532; 624-630.

[11] Зиядуллаев С. Экономические реформы в Узбекистане в действии. – Ташкент: 1994; Тўхлиев Н. Ўзбекистон иқтисодиёти. – Тошкент: Ўқитувчи, 1994; Ўша муаллиф. Бозорга ўтишнинг машаққатли йўли. – Тошкент: 1999; Ғафарли М.С., Касаев А.Ч. Ривожланишнинг Ўзбек модели: тинчлик ва барқарорлик – тараққиёт асоси. – Тошкент: 2001.

[12] Термиз – Буюк йўллар чорраҳасидаги кўҳна ва янги шаҳар. – Тошкент: Шарқ, 2001; Шаҳрисабз – минг йиллар мероси. – Тошкент: Шарқ, 2002; Қарши – 2700. (Ўзбек, рус, инглиз т.) – Тошкент: Маънавият, 2006.

[13] Термиз шаҳрининг жаҳон цивилизациясида тутган ўрни. Халқаро илмий конференция маърузалари тезислари. – Тошкент – Термиз: Фан, 2001; Шаҳрисабз шаҳрининг жаҳон тарихида тутган ўрни. Халқаро илмий конференция маърузалари тезислари. – Тошкент: Фан, 2002; Қарши шаҳрининг жаҳон цивилизацияси тарихидаги ўрни. Халқаро илмий

ҳатлари ёритилган. Республиканинг таникли тарихчиларидан иборат муаллифлар жамоаси мазкур китобларда жанубий вилоятлардаги йирик шаҳарларнинг совет давридаги тарихини кўрсатиш билан бирга̀ликда саноат тараққиётининг ўзига хос хусусиятларини ҳам таҳлил қилганлар. Хусусан, Термиз ва Қарши шаҳарлари тарихига бағишланган китобларда бу шаҳарларнинг совет ҳокимияти йилларидаги тараққиёти, саноат маҳсулотлари ва халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқаришда йўлга қўйилган ҳамкорлик, иқтисодий ривожланишдаги зиддиятлар ва камчиликлар хусусида сўз боради.

«Сурхондарё тарих кўзгусида»[14] китобида Сурхон воҳаси саноатининг орқада қолиш сабаблари, совет ҳокимияти йилларида Сурхондарё вилоятида саноат корхоналарининг ташкил топиши, корхоналарнинг вужудга келиш жараёни, шунингдек, саноат соҳасида рўй берган ўзгаришлар, ишчи ходимларни тайёрлаш ва малакасини қайта ошириш масалалари ҳамда саноатни янги технологиялар билан жиҳозлаш жараёни ва бу борадаги муаммолар, уларнинг сабаб ва оқибатларига оид масалалар таҳлил этилган.

«Сурхондарё тарихи» китобининг олтинчи бобида совет ҳокимияти йилларида саноат корхоналарининг қурилиши, қайта таъмирланиши, ишлаб чиқариш истеъмол фондларининг натижалари, маҳсулотларнинг турлари, сифати, самарадорлиги, ишчи–техник ходимларнинг ижтимоий турмуш тарзига тааллуқли масалалар таҳлил этилган. Бироқ, ушбу китобда совет ҳокимияти йилларида вилоятда саноат соҳасидаги рўй берган ўзгаришлар ҳақида қисқа, умумий йўналишлар берилиб, мавжуд муаммолар, камчиликлар ҳамда маҳаллий шароитни ҳисобга олган ҳолда саноат корхоналари қуриш, зарур маблағларни ажратиш ҳақидаги тарихий манбалар изоҳлаб берилмаган.

Э. Қобиловнинг «Сурхондарё саноатининг илк одимлари» рисоласида Сурхондарёда саноат корхоналарининг шаклланиши ва совет ҳокимияти йилларида саноат соҳасидаги ўзгаришлар ҳамда натижаларга доир масалалар баён қилинган. Ушбу рисолада Сурхондарё вилоятининг 1970–1980 йиллардаги иқтисодий тараққиёти даражаси қисман таҳлил этилиб, умумлашган хулосалар берилган.[15] Д. Бобожонованинг ўқув қўлланмасида[16] аҳолини иш билан таъминлаш ва миллий ишчи кадрлар тайёрлаш муаммолари хусусида сўз боради. О. Жўрақулов ва Ж. Эргашевнинг "Қашқадарё саноати тарихи" рисоласида эса Қашқадарё вилоятида саноатнинг вужудга келиши, унинг совет ҳокимияти йилларидаги ҳолати ёритилган[17].

З. Мирзаев ва Э. Қобиловларнинг «Сурхондарёда пахтачилик ва Термиз

анжуман материаллари. – Тошкент – Қарши: Фан, 2006; Нахшаб – Қарши жаҳон цивилизацияси тизимида. Республика илмий семинарининг материаллари. – Қарши, 2006.
[14] Турсунов С.Н., Қобилов Э.О., Парлаев Т.Р., Муртазаев З.М. Сурхондарё тарих кўзгусида. – Тошкент: Шарқ, 2001. – Б. 313-377.
[15] Қобилов Э.О. Сурхондарё саноатининг илк одимлари. –Термиз: «Жайхун», 1993. – Б. 114.
[16] Бобожонова Д. Аҳолини иш билан таъминлаш ва миллий ишчи кадрлар тайёрлаш муаммолари (ўқув қўлланма). – Тошкент: 1995.
[17] О.Жўрақулов., Ж.Эргашев. "Қашқадарё саноати тарихи". – Қарши: Насаф, 1996.



пахта тозалаш заводи тарихи» китобининг «Пахта саноат комплексининг муаммолари»[18] номли тўртинчи бобида 1970 – 1980 йилларда саноатнинг ривожланиши, пахтани қайта ишлаш соҳаси билан боғлиқ пахта тозалаш заводларининг фаолияти, пахта толасини сотиш масаласидаги муаммолар, тажриба алмашув ва ҳамкорликка доир далиллар келтирилади. А. Солиев ва Ҳ. Абдуназаровларнинг рисоласида[19] Сурхондарё вилоятида енгил ва озиқ-овқат саноатининг минтақавий муаммолари кўрсатилган. Бундан ташқари Ҳ. Абдуназаровнинг мақолаларида бу муаммо ўзининг холис талқинини топган[20].

Н. Ҳакимов, О. Жўрақуловларнинг «Шаҳрисабз тарихи», П. Равшановнинг «Қашқадарё истиқлол арафасида», О. Жўрақулов ва А. Раҳматовларнинг «Шаҳрисабз йилномаси»[21] китобларида енгил ва озиқ-овқат саноатига доир қисқача маълумотлар тарихий жиҳатдан таҳлил этилган. Бундан ташқари Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларидаги айрим туманлар ва шаҳарлар тарихига бағишланган асарларда[22] мазкур муаммонинг баъзи жиҳатлари ёритилган. Шунингдек, Ж. Мирзаевнинг «Термиз тарихи»[23] китобида енгил ва озиқ-овқат саноати ҳақида, М. Азимовнинг «Термиз тарихи» асарида Термизнинг совет ҳокимияти йилларидаги саноат корхоналарига доир маълумотлар берилган.

Хорижий тарихшуносликда яратилган айрим тадқиқотларда XX аср иккинчи ярмида Ўзбекистонда пахта яккаҳокимлигининг ўрнатилиши, ўзбек пахтакорларининг оғир аҳволи хусусида сўз боради. Туркияда яшаган туркистонлик муҳожирлардан Тоҳир Чиғатой ўзининг «Қизил империализм" асарининг «Помукчилик» («Пахтачилик») деб номланган II-китобида[24] Ўрта Осиё республикалари, жумладан, Ўзбекистонда совет ҳокимияти юритган пахта сиёсатининг асл моҳиятини очиб ташлайди. Аольфганг Леонхарднинг

[18] Мирзаев З.М., Кобилов Э.О. Сурхондарёда пахтачилик ва Термиз пахта тозалаш заводи тарихи. – Термиз: 1996. – Б. 64-75.
[19] Солиев А., Абдуназаров Ҳ. Енгил ва озиқ-овқат саноатининг минтақавий муаммолари. – Тошкент: Фан, 2007.
[20] Абдуназаров Ҳ. Енгил ва озиқ-овқат саноатини жойлаштириш ва ривожлантириш масалалари // Ўзбекистон География жамияти ахбороти. 21-жилд. – Тошкент, 2000. – Б. 125-126; Алланов К., Абдуназаров Ҳ. Развитие производительных сил Сурхон-Шерабадской долины Узбекистана // Проблемы освоения пустынь (Ашхабад). 2003. №1. – С. 38-41.
[21] Ҳакимов Н., Жўрақулов О. Шаҳрисабз тарихи. – Қарши: "Насаф", 2001; Равшанов П. Қашқадарё истиқлол арафасида. – Тошкент: "Маънавият", 2003; Жўрақулов О., Раҳматов А. Шаҳрисабз йилномаси. Летопись Шахрисабза. Chronicle of Shakhrisabz. – Тошкент: Фан, 2007.
[22] Саидов М., Равшанов П. Жейнов тарихи. – Тошкент: Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти, 1996; Мухамедов Н. Косон: тарих саҳифалари. – Қарши: Насаф, 1997; Гафуров Г., Шоймардонов И., Тўхлиев Ж. Яккабоғ тумани. – Тошкент: Шарқ, 1997; Худойкулов М. Қарши чўли. – Тошкент: Шарқ, 1998; Эргашев Э. Бешкент тарихи. – Қарши: Насаф, 2000; Турсунов С. Шерободликлар. – Тошкент: Ўзбекистон миллий кутубхонаси нашриёти, 2006; Турсунов С., Тўхтаев А. Жарқўрғон. – Тошкент: Фан, 2008 ва б.
[23] Мирзаев Ж. Термиз тарихи. – Тошкент: Шарқ, 2001.
[24] Tahir Cagatay. Kizil imperyalizm, T.II. Pamukculuk. – Istanbul, 1962. – 48 s.

"Бугунги совет идеологияси" номи билан турк тилида Истанбулда 1980 йили босилган йирик монографиясида[25] хам коммунистик мафкурани танқид қилиш билан биргаликда совет Ўрта Осиё республикаларида озиқ-овқат ва енгил саноатнинг ҳолати билан боғлиқ маълумотлар мавжуд.

Тадқиқотга доир чоп этилган асарларни тарихшунослик нуқтаи назаридан таҳлил этиб, қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Мазкур асарлар ва илмий ишларда 1970 –1980 йилларда Ўзбекистонда енгил ва озиқ-овқат саноати тарихи қисқа баён этилиб, жанубий вилоятлардаги саноат тараққиёти умуман кўрсатилмаган.

2. Тадқиқотнинг асосий қисми коммунистик мафкура нуқтаи назаридан таҳлил этилган бўлиб, айримлари эса ушбу мавзуга бевосита тааллуқли бўлмасдан, унинг фақат баъзи жиҳатларини ёритган.

Хулоса қилиб айтганда, аввалги тадқиқот ишларида XX асрнинг 70–80 йилларидаги енгил ва озиқ-овқат саноатининг ривожланиш жараёни тарихий жиҳатдан комплекс ўрганилмаган. Шундан келиб чиққан холда ушбу диссертация ишида Ўзбекистоннинг жанубий вилоятларида енгил ва озиқ-овқат саноати соҳасида юритилган сиёсатнинг туб мазмун ва моҳиятини ёритиш мақсадида мавзуга оид воқеа-ҳодисалар тарихий жиҳатдан объектив ўрганилиб, бу борада кенг кўламли тадқиқот ишлари ўтказилиб, амалий-илмий натижага эришиш мақсадида манбалар ўзаро қиёслаш ва таққослаш нуқтаи назаридан таҳлил этилди.

**Диссертация ишининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация иши Термиз давлат университети илмий-тадқиқотлар ишлари режасидан ўрин олган.

**Диссертациянинг мақсад ва вазифалари.** Муаммонинг илмий жиҳатдан долзарблиги ва муҳимлигидан келиб чиққан ҳолда 1970–1980 йилларда Ўзбекистоннинг жанубий вилоятларида енгил ва озиқ-овқат саноатининг ривожланиши билан боғлиқ натижа ва муаммоларни янги концептуал-методологик асосда ўрганиш асосий мақсад қилиб олинди. Ушбу мақсадни амалга ошириш учун қуйидаги асосий вазифаларни ҳал қилиш аниқланди:

– совет ҳокимияти йилларида Ўзбекистоннинг жанубий вилоятларида Марказ манфаатларига мос келадиган саноат корхоналарини барпо этишга қаратилган сиёсатнинг моҳиятини тарихий жиҳатдан ёритиш;

– Ўзбекистонда енгил ва озиқ-овқат саноати корхоналарининг қурилиши ва жиҳозланиши масалаларини кўрсатиш;

– Ўзбекистонда саноатнинг бир томонлама тараққиёти, ундаги муаммо ва зиддиятларни архив манбалари асосида тасвирлаш;

– енгил ва озиқ-овқат саноати корхоналарининг барпо этилиши ва уларнинг ускуналар билан жиҳозланишини тадқиқ этиш;

– Ўзбекистоннинг жанубий вилоятларида енгил ва озиқ-овқат саноатининг ривожланишидаги ўзгаришларни манбалар асосида кўрсатиб бериш;

[25] Wolfgang Leonhard. Bugunku Sovyet ideolojisi. T.II. 2-basilis. – Istanbul, 1980. – 510 s.



– озиқ-овқат саноати ривожидаги камчилик ва нуқсонларни холис таҳлил қилиш;

– жанубий вилоятларнинг енгил ва озиқ-овқат саноати корхоналаридаги ишчи-ходимларнинг малакаси, уларнинг меҳнатга муносабати, кадрларни тайёрлаш, ўқитиш, малакасини ошириш ҳамда миллий кадрларнинг саноат корхоналарига раҳбарлик қилиш соҳасидаги ҳолатларнинг Марказ кўрсатмаси билан қаттиқ назорат остига олинишини манбалар асосида очиб бериш;

– саноат корхоналарини жанубий ҳудудларда қуриш жараёнида маҳаллий шароитни ҳисобга олмай уй-жой қурилиши, корхоналар ва шаҳар инфраструктурасини ривожлантириш, аҳолининг ижтимоий турмуш тарзини яхшилаш масаласига эътибор берилмаганлигини асослаб бериш.

**Тадқиқотнинг манбавий асослари.** Тадқиқотнинг манбавий асосини архив ҳужжатлари, даврий матбуот материаллари, партия ва совет ҳукуматининг расмий ҳужжатлари, турли статистик тўпламлар ва иқтисодий кўрсаткичлар, хотиралар ташкил этади.

Тадқиқотнинг асосини ташкил қилган асосий манба архив ҳужжатлари ҳисобланади. Мазкур ишни ёзиш жараёнида Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви (ЎзР МДА), Қашқадарё вилояти давлат архиви (Қашқадарё ВДА), Сурхондарё вилояти давлат архиви (Сурхондарё ВДА), Қашқадарё вилоят давлат архивининг Шаҳрисабз филиали, Сурхондарё вилоят давлат архивининг Денов филиали материалларидан фойдаланилди.

Ўзбекистон Республикаси МДАнинг тегишли фондлари (ф.737, 883, 1970, 2099, 2325, 2357 ва б.)даги ҳужжатларда Ўзбекистон ССР енгил ва озиқ-овқат саноати корхоналаридаги ишчилар ва техник ходимларнинг турмуш тарзи, ижтимоий-иқтисодий ва маиший ҳаётига оид маълумотлар акс этган. Бундан ташқари мазкур ҳужжатларда Ўзбекистоннинг жанубий вилоятларидаги саноат ва қишлоқ хўжалиги корхоналарининг фаолияти, корхоналардаги мавжуд муаммо ва зиддиятлар кўрсатилган.

Тадқиқотни ёзиш давомида Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларидаги баъзи шаҳарлар ва туманларнинг давлат архивлари, турли саноат ва қурилиш корхоналарининг жорий архивлари ҳужжатларидан ҳам фойдаланилди.

Даврий матбуот материаллари ҳам тадқиқотни илмий асослашда муҳим роль ўйнади.1970–1980 йилларда "Совет Ўзбекистони", "Правда Востока", "Қашқадарё ҳақиқати", "Ленин байроғи" (ҳозирги "Сурхон тонги"), "Жарқўрғон ҳақиқати" номли газеталар ва "Новое время", "Фан ва турмуш", "Ўзбекистонда ижтимоий фанлар", "Гулистон" каби журналлар ҳамда бошқа матбуот нашрларида чоп этилган мақолалар, хабарлар ва бошқа маълумотлардан фойдаланилди.

Турли статистик тўпламлар ва иқтисодий кўрсаткичлардан иборат манбалар гуруҳига асосан Ўзбекистон ССР халқ хўжалигининг аҳволи ҳақидаги турли материаллар киради[26]. Бу статистик маълумотларда Ўзбекистоннинг

[26] Народное хозяйство Узбекской ССР за 60 лет советской власти. Юбилейный статистический ежегодник. – Ташкент: Узбекистан, 1977; Народное хозяйство Узбекской ССР за

жанубий ҳудудларида енгил ва озиқ-овқат саноати корхоналарининг иқтисодий ўсиши, ишлаб чиқариш тараққиёти ҳам таҳлил этилган. Бироқ, мазкур маълумотлар расмий характерга эга бўлиб, уларда совет давридаги иқтисодиёт фақат ижобий ҳолатда кўрсатилиб, муаммо ва камчиликлар ҳақида сўз юритилмаган.

XX асрнинг 70–80-йилларида Ўзбекистонда раҳбарлик лавозимларида ишлаган партия ва хўжалик арбобларининг кейинчалик ёзган хотираларида Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида қишлоқ хўжалиги ва саноатнинг бир томонлама ривожланиши, Марказнинг тазйиқи ва маҳаллий кадрларга нисбатан зуғум ўтказилиши ўз аксини топган. Бу ҳолат М. Худойберганов ва Х. Латиповнинг хотиралари ва эсдаликларида тасвирланган[27].

**Тадқиқот объекти.** Ўзбекистоннинг жанубий вилоятларида 1970–1980 йилларда енгил ва озиқ-овқат саноатининг ривожланиши, бу соҳадаги натижа ва муаммоларни таҳлил этиш тадқиқот объекти сифатида танлаб олинди.

**Диссертациянинг назарий ва услубий асослари.** Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг юрт тарихини ҳаққоний манбаларга таянган ҳолда ўрганиш ва таҳлил этиш ҳақидаги кўрсатмалари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тарих фанини ривожлантириш борасида қабул қилган қарорлари тадқиқотнинг назарий ва услубий асосини ташкил этди.

Мавзуни ёритиш жараёнида тадқиқотчи томонидан ижтимоий воқеликни билиш ва уни ўрганишнинг диалектик методи, унинг илмийлик, холислик, тарихийлик, узвийлик ҳамда мантиқийлик каби тамойилларига суянилди. Мавзуга доир илмий-тарихий манбалар, архив ҳужжатлари, муаллифларнинг тадқиқот юзасидан чиқарган илмий мушоҳадалари, Вазирлар Маҳкамасининг тарих фанини ривожлантириш борасидаги қарорлари, шунингдек, интернет маълумотлари тадқиқотнинг назарий асосларини бойитишда муҳим роль ўйнади. Ўзбек халқи ва давлатчилик тарихи концепциясида белгиланган асосий йўналиш ва тушунчаларга алоҳида эътибор қаратилди.

**Тадқиқот предмети.** Ўзбекистон тарихи фанини илмий-амалий жиҳатдан ўрганиш, илмийлик, холислик, воқеа-ҳодисалар асосида жанубий ҳудудларда енгил ва озиқ-овқат саноатининг ривожланиши, натижалари ва муаммоларини ўрганиш ва таҳлил қилиш тадқиқот предмети қилиб олинди.

**Ҳимояга олиб чиқилаётган асосий ҳолатлар:**

– биринчидан, совет ҳокимияти йилларида Ўзбекистоннинг жанубий вилоятларида Марказ манфаатларига мос келадиган саноат корхоналарини барпо этишга қаратилган сиёсатнинг асл моҳияти холисона ёритилди ва совет ҳукуматининг саноат корхоналарини ташкил этиш борасида олиб борган ишлари таҳлил этилиб, умумлаштирилган хулосалар чиқарилди;

– иккинчидан, саноат ва халқ истеъмоли маҳсулотлари ишлаб чиқариш жараёнида кўзга ташланган қийинчиликлар, муаммолар ва уларни бартараф этишни таъминлайдиган тадбирларнинг моҳияти очиб берилди;

– учинчидан, жанубий ҳудудларнинг саноат корхоналаридаги ишчи ва техник ходимларни тайёрлаш, ўқитиш, малакасини ошириш ҳамда миллий ходимларининг саноат корхоналарига раҳбарлик қилишдаги ҳолатларнинг Марказ кўрсатмаси билан қаттиқ назорат остига олинганлиги манбалар асосида таҳлил этилди;

– тўртинчидан, Ўзбекистонда саноат корхоналарини қуриш жараёнида маҳаллий шароитни ҳисобга олмай уй-жой қурилиши, шаҳар инфраструктурасини ривожлантириш, аҳолининг ижтимоий турмуш тарзини яхшилаш масаласига эътибор берилмаганлигига танқидий ёндашилди.

**Диссертациянинг илмий янгилиги.** Мавзуга янгича методологик ёндашув асосида 1970–1980 йилларда Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудларида янги саноат корхоналарининг барпо этилиши, ишга туширилиши, озиқ-овқат ва енгил саноат корхоналарида маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ҳолати, ушбу саноатнинг халқ хўжалигига иқтисодий таъсири, иқтисодни юксалтириш соҳасида келиб чиққан муаммолар, натижалар ва унинг оқибатлари, ишчи ва техник ходимларнинг ижтимоий-маиший турмуш тарзи, уй-жой таъминоти ва шароити масаласида юзага келган муаммолар, саноатнинг ушбу тармоғида миллий мутахассисларга муносабат, маъмурий-буйруқбозлик сиёсатининг оқибатлари, кўшиб ёзиш, шу билан бирга мавжуд муаммоларни бартараф этиш соҳасидаги уринишлар, енгил ва озиқ-овқат саноати маҳсулотларининг танқислиги, уни келтириб чиқарган сабаблар, уларни бартараф этиш соҳасида амалга оширилган ишлар, шунингдек, саноат корхоналари жойлашган ҳудудларда ижтимоий-иқтисодий соҳада амалга оширилган ишларнинг натижалари манбаларга холисона танқидий ёндашган ҳолда асослаб берилди.

Ўзбекистоннинг жанубий вилоятларидаги саноат корхоналарининг иқтисодий тараққиётига оид кўрсаткичлар умумлаштирилиб, шу билан биргаликда мавжуд муаммолар, йўл қўйилган хато ва камчиликлар кўплаб архив ҳужжатлари, статистик ахборотлар ва даврий матбуот материалларига таянган ҳолда танқидий равишда ўрганилди. Муаммога оид тегишли хулоса, амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Диссертация натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Илмий тадқиқот Ўзбекистоннинг жанубий вилоятларида енгил ва озиқ-овқат саноатининг ривожланишидаги муаммо ва натижалар 1970 – 1980 йиллар мисолида умумлаштирилган ҳолда яратилди. Ушбу тадқиқот ишидан академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари талабалари, олий ўқув юртларининг бакалавр ва магистрлари учун ўқув ва услубий қўлланмалар тайёрлашда, маънавият дарсларида ғоявий-тарбиявий ва тарғибот ишларини олиб боришда фойдаланиш мумкин. Шунингдек, ундан илмий иш билан шуғулланаётган тадқиқот-

---

70 лет советской власти. – Ташкент: Узбекистан, 1987; Народное хозяйство Узбекской ССР в 1987. – Ташкент: Узбекистан, 1988; Узбекистан за годы восьмой пятилетки (1966 – 1970 гг.). –Ташкент: Узбекистан, 1971; Узбекистан за годы девятой пятилетки (1971 – 1975 гг). – Ташкент: Узбекистан, 1976.

[27] Худойберганов М. Синовларда кечган умр. – Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти, 1997; Ўша муаллиф. Эгилган ҳақиқат, сўнмаган умид. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2000; Латипов Х. Машаққатли йиллар ёди. – Тошкент: Шарқ, 2005.

чилар, тарих фани билан қизиқувчи китобхонлар ҳам фойдаланишлари тавсия этилади.

**Натижаларнинг жорий қилиниши.** Тадқиқот натижаларидан Термиз давлат университетида «Ўзбекистон тарихи» «Сурхондарё тарихи», «Тарихий ўлкашунослик» фанларидан ўқув дастури, ўқув қўлланма, маъруза матнлари ва махсус курслар тайёрлашда фойдаланилди.

**Ишнинг апробацияси.** Диссертация иши Термиз давлат университетининг «Ўзбекистон тарихи» ҳамда «Манбашунослик, тарихшунослик ва махсус тарих фанлари» кафедраларининг қўшма мажлисида муҳокама қилинган ва ҳимояга тавсия этилган. Шунингдек, диссертация Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги К.067.02.12 рақамли Ихтисослашган кенгаш қошидаги илмий семинар мажлисида муҳокама этилиб, ҳимояга тавсия этилган.

Тадқиқотнинг асосий мазмуни муаллиф томонидан эълон қилинган илмий ишларда, Республика илмий ва амалий конференцияларида, Термиз давлат университети профессор-ўқитувчиларининг илмий-назарий конференцияларида қилинган маърузаларда ўз ифодасини топган.

**Натижаларнинг эълон қилинганлиги.** Диссертация юзасидан жами 11 та иш чоп этилган. Жумладан, диссертациянинг асосий мазмуни, хулоса ва натижалари диссертант томонидан эълон қилинган 4 та илмий мақола ва 7 та тезис ҳамда материалларда ўз аксини топган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган манбалар ва адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 176 бетни ташкил этади.

## II. ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида мавзунинг долзарблигига асосланиб, тадқиқотни ўрганиш даражаси таҳлил қилинган. Тадқиқотнинг даврий чегараси, унинг мақсад ва вазифалари, назарий ва услубий асослари, манбалар шарҳи, ҳимояга олиб чиқилаётган асосий ҳолатлар, илмий янгилиги ва бошқа жиҳатлари ёритилган.

Диссертациянинг биринчи боби **"Ўзбекистонда енгил ва озиқ-овқат саноати корхоналарининг қурилиши ва жиҳозланиши"** деб номланган бўлиб, унда Ўзбекистон иқтисодиёти совет ҳокимияти даврида фақат хомашё етказиб берувчи ҳудудга мослаштирилиб, енгил ва озиқ-овқат саноатини ривожлантириш учун қулай имкониятлар бўлишига қарамасдан бу ҳолатга эътибор берилмаганлиги кўрсатилган. Бу эса республика иқтисодиётини "кўринмас иплар" билан Марказ иқтисодиётига жиддий боғлаб қўйди. Оқибатда миллий республикалар иқтисодиёти бир томонлама ривожланиб, чуқур иқтисодий инқирозга тушиб қолди. Ушбу ҳолат Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудлари ҳисобланган Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларидаги енгил ва озиқ-овқат саноати тараққиётига ҳам ўз таъсирини ўтказди.



Ўзбекистондаги жанубий ҳудудлар енгил ва озиқ-овқат саноати тармоқларининг таркиби, жойлашиши ва ихтисослашувини қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

– иқтисодиётнинг асосини фақат қишлоқ хўжалиги тармоқлари ташкил этувчи туманлар;

– пахтачилик, дончилик ва полиз-сабзавотчилик тармоқлари негизида ташкил этилган бир ёки иккита саноат корхонаси мавжуд бўлган ҳудудлар;

– енгил ва озиқ-овқат саноати корхоналарига эга бўлган туманлар;

– кўп тармоқли енгил ва озиқ-овқат саноати нисбатан ривожланган маъмурий ҳудудлар.

Учинчи гуруҳга кирган Бойсун, Термиз, Жарқўрғон, Қарши, Шаҳрисабз туманларида тўқимачилик саноати, Шерободда ош тузи қазиб олиш ва кулолчилик ривожланган.

Тўртинчи гуруҳга кирган Косон ва Денов туманларида 2 та пахта тозалаш заводи, Қарши, Шаҳрисабз, Денов, Термизда ёғ-экстракция, пахта (момиқ), сут, арoқ, консерва, нон ишлаб чиқариш корхоналари жойлашган. Йирик саноат корхоналаридан Қарши, Денов ёғ-экстракция заводлари, Шаҳрисабз, Жарқўрғон тўқимачилик фабрикалари ва Шаҳрисабз, Шўрчи ун комбинатлари ҳам айнан ана шу туманларда қурилган.

Ўзбекистоннинг жанубида жойлашган ҳамда ўзига хос геосиёсий мавкеига эга бўлган Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида енгил ва озиқ-овқат саноатининг барпо этилиши ҳамда уларнинг янги ускуналар билан жиҳозланиши ва таъмирланиши совет ҳокимияти даврида фақат Марказнинг манфаатлари асосида олиб борилди.

Пахта етиштиришни кўпайтириш туфайли янги-янги пахта тозалаш заводларини қуриб ишга тушириш муҳим вазифага айланди. Дастлабки корхоналардан бўлмиш Бойсун экспериментал шойи тўқиш фабрикаси (1972), Шаҳрисабз пиллачилик фабрикаси (1976) ва Жарқўрғонда Бухоро тўқимачилик комбинатининг филиали (1986) қуриб ишга туширилди. Шунингдек, озиқ-овқат саноати корхоналарининг асосий таянчи ҳисобланган Шаҳрисабз консерва заводида табиий ўсимликлардан шифобахш консерва тайёрлаш цехи (1978) ишга туширилиб, Китоб вино заводи Шаҳрисабз вино-арoқ заводи (1980)га айлантирилди. Шўрчи ун корхонаси (1980) ҳам ўз иш фаолиятини бошлади[28].

Пахтачиликни ривожлантиришга эътибор қаратилганлиги туфайли қишлоқ хўжалигининг моддий-техник базаси мустаҳкамлана бошланди. 1970–1980 йилларда Ўзбекистонда янги тўқимачилик корхоналари ташкил этилиб, етиштириладиган пахта толасини кўпроқ қайта ишлаш мақсадида жанубий ҳудудлар шаҳарлари ва туманлари марказларида йигирув, тўқув фабрикалари ишга туширилди.

Қарши ёғ-экстракция заводида 1976 йилдан янги техник мосламалар

---

[28] Жўрақулов О., Раҳматов А. Шаҳрисабз йилномаси. –Тошкент: Фан, 2007. – Б. 16, 18, 21, 22, 23; Турсунов С. ва бошқалар. Сурхондарё тарихи. –Тошкент: Шарқ, 2004. – Б. 364.

ўрнатиш ишлари бошланди. 1978 йилда чигитни автоматлашган машиналарга ортувчи янги мослама ва бир кунда 550 тонна чигитни тозалайдиган янги жихозлар ўрнатилди.[29] 1979 йилда Шаҳрисабз ёғ-экстракция заводида янги узлуксиз ишлайдиган ёғни рафинация киладиган, яъни оклайдиган 2 линияли цех ишга туширилиб,[30] 1980–1985 йилларда корхонада 2 та автоматик ускуна ўрнатилди. Тўхтовсиз ишлайдиган икки линияли цех курилиб, 27 та янги технологик ускуна ишлаб чиқаришга жорий этилди. 1990 йилларга қадар техника бўйича қайта ускуналаш, ишлаб чиқариш жараёнларини такомиллаштириш, тайёрланадиган махсулот сифатини оширишга қаратилган 30 та тадбир амалга оширилди. Натижада ишчиларнинг меҳнат унумдорлиги 1985 йилга нисбатан 16 фоизга ўсди. 1980–1989 йилларда заводдаги цехларда асосан қайта жиҳозлаш ишлари амалга оширилиб, меҳнат қилиш шароити яхшиланиб борди. 1985 йил заводда 2 та марказий лаборатория ўрнатилиб, иш жойларининг ёруғлиги яхшиланди[31].

Тадқиқ қилинаётган йилларда енгил ва озиқ-овқат саноати корхоналарини замонавий техника ва технология билан куроллантириш ҳамда фан ютукларини амалда қўллаш учун имкониятлар ишга солинди.

1970–1980 йилларда Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида янги пахта тозалаш заводлари қуриш билан биргаликда мавжудларини янги техника ва технология билан қайта жиҳозлаш ишлари ҳам олиб борилди. Хусусан, оғир қўл меҳнатини енгиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилди[32].

Хуллас, тадқиқ қилинаётган йилларда Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларининг енгил ва озиқ-овқат саноати корхоналарида янги техника ва технологияни ишлаб чиқаришга жорий этиш масаласида ютуқларга эришиш билан бирга камчиликларга ҳам йўл қўйилди. Жанубий худудларда пахта етиштиришнинг ўсиб бориши нафақат пахта тозалаш заводларининг иш фаолиятини яхшилашни, балки пахта чигитини қайта ишлаш, ёғ-мой заводларини янги техника ва технология билан жиҳозлантиришни ҳам талаб этарди.

Диссертациянинг иккинчи боби **"Ўзбекистоннинг жанубий вилоятларида енгил ва озиқ-овқат саноатининг ривожланишидаги ўзгаришлар ва муаммолар"** деб номланган. Тадқиқ қилинаётган йилларда Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари иқтисодиётида кўплаб қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш билан боғлиқ бўлган янги корхоналар бунёд этилди. Айниқса, пахта тозалаш саноатида муҳим ўзгаришлар рўй берди. Шуни алоҳида қайд этиш керакки, иқтисодий қийинчиликлар ва мавжуд муаммоларга қарамасдан Ўзбекистонда енгил ва озиқ-овқат саноати соҳасида амалга оширилган тадбирлар натижасида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми кўпайди.

---

[29] Қашқадарё вилояти давлат архиви, 285-фонд, 1-рўйхат, 1265-иш, 114-варақ.
[30] Қашқадарё вилояти давлат архивининг Шаҳрисабз филиали, 126-фонд, 1-рўйхат, 28-иш, 17-варақ.
[31] Қашқадарё вилояти давлат архивининг Шаҳрисабз филиали, 126-фонд, 1-рўйхат, 15-иш, 26-варақ.
[32] Қашқадарё вилояти давлат архиви, 283-фонд, 1-рўйхат, 1257-иш, 17-варақ.



Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми жанубий вилоятларда ҳам мазкур даврда йилдан-йилга кўпайди. Қашқадарё вилоятида саноат асосида пахта толаси ишлаб чиқариш 1970 йилда 76,4 минг тоннага, 1973 йилда эса 104,9 минг тоннага етди.[33]

Ўзбекистонда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ўсиши фақатгина бирламчи хом ашё маҳсулотларини тайёрлашга қаратилган эди. Чунки, бирламчи хом ашё маҳсулотларини тайёр маҳсулотга айлантириш учун улар Россиянинг марказий шаҳарларига жўнатилган. Шу туфайли ялпи саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 1975 йилга келиб, 1970 йилга нисбатан Ўзбекистон бўйича 151 фоизга, 1980 йилга келиб эса 1975 йилга нисбатан 192 фоизга ўсди. Ушбу ялпи маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳолати Қашқадарё вилоятида 1970 йилга нисбатан 1975 йилда 202 фоизга, 1975 йилга нисбатан 1980 йилда 130 фоизга ўсган бўлса, Сурхондарё вилоятида 1975 йилга нисбатан 1980 йили 137 фоизга ўсди[34]. Бироқ, бу ўсиш кўрсаткичлари маҳаллий иқтисодиётнинг тараққиётини билдирмас, балки Марказнинг иқтисодий салоҳиятини оширишга йўналтирилган эди.

Саноат корхоналарида меҳнат унумдорлигининг ўсиш суръати Сурхондарё вилоятида 1985 йили 119 фоизга, Қашқадарё вилоятида эса 107 фоизга ошди. Шунга қарамасдан саноат корхоналарида иқтисодий қийинчиликлар пайдо бўлиб, корхоналарда хом ашё таъминотида муаммолар юзага келди[35].

1980 йилда Қашқадарё вилояти енгил саноат корхоналари маҳсулот ишлаб чиқариш соҳасида жиддий иқтисодий қийинчиликларга дуч келди ва бу борадаги кўрсаткичлар кескин камайди. Чунки, саноат корхоналарининг техник жиҳатдан эскирганлиги, замонавий технологик ускуналарнинг ўрнатилмаганлиги, ишчи ва муҳандис-техник ходимлар замонавий билим даражасининг пастлиги маҳсулотнинг сифат ва самарадорлигини оширишга салбий таъсир кўрсатди. 1980 йили Шаҳрисабз мебел фабрикаси 21.105.000 рубллик маҳсулот ишлаб чиқариб, режани 95,5 фоизга бажариб, халқ истеъмолига 963.000 рубллик маҳсулотларни етказиб бермади. Китоб тўкимачилик фабрикаси 360.048 рубллик маҳсулот, Шаҳрисабз ипакчилик фабрикаси 911.023 рубллик маҳсулот ишлаб чиқариб, режани 98,7 фоизга бажариб, истеъмолчиларга 1.292.000 рубллик маҳсулот етказиб берилмади. Шаҳрисабз "Ҳужум" фабрикаси 10.791.000 рубллик маҳсулот ишлаб чиқариб, истеъмолчиларга 24.100 рубллик маҳсулот етказиб бермади.[36]

Сурхондарё вилоятида енгил саноат асосий тармоқларининг маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 1991 йилда жами 1.346.000.001 рублни ташкил этиб, шундан пахта тозалаш саноати 1.257.100 рубллик, ип-газлама саноати 270 млн. рубллик, тикувчилик корхоналари 446 млн. рубллик, чинни-сопол фабрикалари 16 млн. рубллик маҳсулот ишлаб чиқариб, аҳолини зарур енгил са-

---

[33] Народное хозяйство Узбекской ССР за 50 лет. – Ташкент: "Узбекистан", 1974. – С. 91.
[34] Народное хозяйство Узбекской ССР. – Ташкент: "Узбекистан", 1986. –С. 52.
[35] Ўша жойда.
[36] Қашқадарё вилояти ҳокимлиги Иқтисодиёт ва статистика бош бошқармаси материаллари. Қарши, 1991. 9–11-варақлар.

ноат маҳсулотлари билан таъминлаш режасини 78,2 фоизга бажарди[37].

1970–1980 йилларда Ўзбекистоннинг жанубий вилоятларида озиқ-овқат саноатига қарашли ёғ-мой заводлари қурилиб, ишга туширилди. Натижада Республикадаги 9 та ёғ-мой заводи бир кунда 11.735 тонна, йилига эса 3.665.000 тонна чигитни қайта ишлаш имкониятига эга бўлди. 1980 йилда Шаҳрисабз ёғ-экстракция заводи бир кеча-кундузда 650 тонна чигитни қайта ишлаш қувватига эга бўлди[38].

Жанубий худудларда енгил ва озиқ-овқат саноатининг ривожланиши, тизимда янги маҳсулот турларини яратиш, замонавий ишчи мутахассисларни тайёрлаш тажрибаси талаб даражасида эмас эди. Енгил ва озиқ-овқат саноатини ривожлантириш учун катта имкониятлар бўлишига қарамасдан Марказ бу жиҳатни махсус назардан четда қолдирган эди.

Диссертациянинг учинчи боби **"Енгил ва озиқ-овқат саноати корхоналари ишчи-ходимларининг меҳнатга муносабати ва маиший турмуш тарзи масаласи"** деб номланган. Тадқиқ қилинаётган йилларда меҳнат мусобақаси ишчилар оммасининг фаоллигини оширишга хизмат қилган.

Совет жамиятининг турғунлик йилларида маҳаллий миллат вакиллари ҳисобланган ишчи ва техник ходимларга нисбатан бўлган эътиборсизлик ҳамда маҳаллий ишчиларга нисбатан ишончсизлик билан қараш одатий ҳолга айланган эди. Шунингдек, ушбу муаммо ишчи мутахассислар таркибида маҳаллий миллат вакилларининг камлиги, тинимсиз ўсиб бораётган ва банд бўлмаган меҳнат ресурсларининг саноат ишлаб чиқаришига жалб этилмаганлиги билан ажралиб туради. Ўзбекистоннинг жанубий вилоятларида ҳам енгил ва озиқ-овқат саноатидаги ишчилар европа миллатларига мансуб аҳоли ҳисобидан қондириларди. Мутахассислар фикрига қараганда, миграцион оқимларнинг катта қисми доимий равишда қишлоқдан шаҳарга қаратилган.[39]

1970–1980 йилларда йўлланма билан келган кўплаб ишчилар республиканинг бошқа худудлари қаторида Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларидаги енгил ва озиқ-овқат саноати корхоналарига ўрнашдилар ҳамда керакли маиший қулайлик ва имтиёзларга эга бўлдилар.[40] Бошқа томондан олганда, партия съездларидаги сиёсий ҳисоботларда, маърузалар ва илмий тадқиқотларда республикада ишчилар синфи сонининг ортиб бориши ҳақида, унинг таркибида маҳаллий миллат вакиллари салмоғининг ўсиши тўғрисида кўплаб рақамлар рўкач қилинар эди.

Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида енгил ва озиқ-овқат саноатининг кадрларга бўлган эхтиёжини қишлоқ ёшлари таркибидан ўқишга келган ёшлар ташкил этиши мумкин эди. Аммо, узоқ йиллар давомида кадрлар тайёрлаш масаласига бефарқлик билан муносабатда бўлиш, ёшларнинг саноат

[37] Сурхондарё вилояти статистика бошқармаси материаллари. – Термиз, 2004. 69-варақ.
[38] Қашқадарё вилояти давлат архивининг Шаҳрисабз филиали, 126-фонд, 1-рўйхат, 47-иш, 14-варақ.
[39] Максакова Л. Миграция населения Узбекистана. – С. 36,37.
[40] Бобожонова Д. Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий муносабатлар (70–80- йиллар мисолида). – Тошкент: Шарқ, 1999. – Б. 126-128.



ишлаб чиқариш соҳасига қизиқишининг йўқлиги қишлоқ аҳолисининг ишлаб чиқариш соҳасига жалб этилишига салбий таъсир қилди.

Хусусан, Шаҳрисабз пахта тозалаш заводида ишчи мутахассисларни ишга қабул қилиш масаласида совуққонлик билан муносабатда бўлинди. 1970 йилда корхона учун кўплаб мутахассис кадрлар тайёрлаш лозим эди, бироқ, мутахассислар тайёрлаш учун ажратилган 2,1 минг рублга тенг маблағ ўзлаштирилмади[41].

Шу билан бирга 1970 йили Қашқадарё вилояти пахта тозалаш заводлари учун 50 нафар малакали ишчи, 40 инженер-техник ходим ва 80 ишчининг малакаси оширилди. Ғузор пахта тозалаш заводида 20 ишчи 2–3 хил касбни, 7 ишчи эса 3–4 хил касбни ўргандилар[42].

Мутахассис ва ишчи–хизматчиларнинг етишмаслиги натижасида юзага келган иқтисодий танглик ҳолатини жанубий вилоятлардаги барча енгил саноат корхоналарида кўришимиз мумкин. Масалан, Бойсун экспериментал шойи тўқиш фабрикаси ишга тушган вақтда мутахассис бўлиб қолган ишчи ва хизматчиларнинг аксарият қисми техник малака ва кўникмага эга эмас эди. Сурхондарё вилояти пахта тозалаш трестида 1980 йилда 28 нафар олий маълумотли мутахассис ишлаган бўлса, 1985 йилда улар 50 кишига етди. Ўрта махсус маълумотлилар эса 41 нафардан 61 кишига етди. 1971 йилда трест бўйича мутахассислар тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга 25,4 минг рубл ажратилди. Албатта, кадрлар масаласига эътибор берилиши натижасида 1989 йилда трестда 380 нафар дипломли мутахассис ишлаб, шулардан 169 нафари олий, 241 нафари эса ўрта махсус маълумотли мутахассислар эди. Ўз навбатида ЎзССР Пахта тозалаш саноати министрлиги томонидан худди шу даврда 7 нафар олий, 9 нафар ўрта махсус маълумотли мутахассислар трестга ишга келдилар[43].

Совет ҳукумати енгил ва озиқ-овқат саноати ишчи-ходимларига зарур бўлган маиший хизмат кўрсатиш биноларини қуриш, хизмат турларини кўпайтиришга эътибор бермади. Айникса, XX асрнинг 70-йиллари бошида жанубий ҳудудларда ушбу масала ниҳоятда ачинарли ҳолда бўлиб, пойабзал, кийим тикиш, таъмирлаш, соатсозлик, расмхона, радио-телевидения устахоналари кам бўлиб, улар аҳолининг эҳтиёжини қондиришга етарли эмас эди. Жанубий ҳудудларда маиший хизматнинг асосий тури ҳисобланган расмхона, соч-соқол олиш, аёллар сочини турмаклаш, кийимларни кимёвий усулда ювиш, мебелларни тайёрлаш, қайта таъмирлаш, радио-телевидения устахоналари, уй-жойларни, шахсий транспортларни қайта таъмирлаш соҳаси бу даврда янгидан пайдо бўлиб, ушбу соҳага ажратилган маблағлар ниҳоятда кам эди. Ўзбекистонда 1969 йилда 5423 та маиший хизмат кўрсатиш тармоқлари бўлиб, ушбу соҳага 21,0 миллион рубл маблағ ажратилган бўлса, 1970

[41] Қашқадарё вилояти давлат архивининг Шаҳрисабз филиали, 126-фонд, 1-рўйхат, 21-иш, 56-варақ.
[42] Қашқадарё вилояти давлат архиви, 283-фонд, 1-рўйхат, 1268-иш, 10–11-варақлар.
[43] Сурхондарё вилояти давлат архиви, 70-фонд, 1-рўйхат, 28-иш, 149-варақ.

йилда эса 13425 та маиший хизмат кўрсатиш тармоклари бўлиб, 100 миллион рубл маблағ ажратилди ва сарфланди. Жумладан, Қашқадарё вилоятида 1969 йилда 262 та маиший хизмат кўрсатиш тармоклари бўлиб уларга, 0,5 миллион рубл маблағ ажратилган бўлса, 1970 йилда 841 та маиший хизмат кўрсатиш тармоклари бўлиб, 4,4 милион рубл маблағ сарфланди. Сурхондарё вилоятида 1969 йили 262 та маиший хизмат кўрсатиш тармоқлари бўлиб, 0,7 миллион рубл сарфланган бўлса, 1970 йилда 841 та маиший хизмат кўрсатиш тармоқлари бўлиб, 4,5 миллион рубл маблағ сарфланган[44].

Қайд этилган ушбу рақамлар Ўзбекистондаги енгил ва озиқ-овқат саноати ишчи-ходимлари жон бошига сарфланганда ўртача жуда кам микдорни ташкил этар эди. Енгил ва озиқ-овқат саноати ишчи-ходимларига хизмат кўрсатиш соҳасидаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш учун совет ҳокимияти жуда кам моддий ёрдам ажратди. Ажратилган маблағлар ҳам асосан йирик шаҳарларга сарфланди. Жанубий ҳудудларда бюджет хисобидаги маиший хизмат кўрсатиш тармоқлари жуда секинлик билан пайдо бўлиб, хизмат турлари шаклланa борди. 1975 йилда Қашқадарё вилоятида 1056 та маиший хизмат нуктаси бўлиб, уларга 7,9 миллион рубл сарфланган бўлса, Сурхондарё вилоятида 1091 та маиший хизмат нуктаси бўлиб, 9,0 миллион рубл маблағ сарфланди[45].

Ўзбекистонда уй-жой, маъмурий–маиший, хизмат бинолари қурилишини яхшилаш мақсадида янги қурилиш лойҳаларини яратиш, ишлаб чиқаришга жалб этиш мақсадида давлат режаси асосида амалий ишлар бажарилди. Темир-бетон конструкция қурилиш материалларини ишлаб чиқариш ва йиғиш республикада 1970 йилда 2870,7 минг куб метрни, 1975 йили 3899,0 минг куб метрни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич Қашқадарё вилоятида 1970 йили 36,4 минг куб метрни, 1975 йили 138,2 минг куб метрни, Сурхондарё вилоятида эса 1970 йили 108,3 минг куб метрни, 1975 йили 155,8 минг куб метрни ташкил этди[46].

Уй-жойга бўлган талабни қондириш масаласида совет хукумати уй-жой қурилиши, кооператив ва қурилиш ташкилотларига катта эътибор билан қараб, маблағлар сарфлашни кўпайтирди. Қурилишга сарфланаётган маблағлар асосан шаҳарсозлик, саноат корхоналари, маданий-маиший соҳадаги уй-жой биноларини қуришга қаратилди. 1971–1975 йилларда енгил ва озиқ-овқат саноати ишчи-ходимларига Ўзбекистон ССР бўйича 2526 миллион рубл сарфланди. Қашқадарё вилоятида эса 191 миллион рубл сарфланиб, 1909 минг кв метр уй-жой бинолари қурилган бўлса, Сурхондарё вилоятида 150 миллион рубл микдордаги маблағлар сарфланиб, 1418 минг кв метр уй-жой бинолари қурилди[47].

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, ушбу маблағлар енгил ва озиқ-овқат

[44] Сурхондарё вилояти давлат архиви, 45-фонд, 1-рўйхат, 189-иш, 348-варақ.
[45] Народное хозяйство Узбекской ССР. – Ташкент: "Узбекистан", 1986. –С. 290- 293.
[46] Ўша жойда. – 74 б.
[47] Народное хозяйство Узбекской ССР. – Ташкент: "Узбекистан", 1971. – С. 242.



саноати ишчи-ходимларининг сон жиҳатдан ўсиши, янги оилаларни уй-жой билан таъминлаш учун етарли эмас эди. Шунингдек, сарфланаётган маблағлар хисобидан қурилаётган уй-жойлар махсус "имтиёзлар" асосида Ўзбекистонга юборилган мутахассислар, ходимлар, харбийларга кўпроқ ажратилар эди. 1970 йилдан бошлаб пахта яккахокимлиги натижасида аҳолига уй-жой қуриш учун томорқа бериш тўхтатилган бўлиб, берилиши мумкин бўлган томорқалар ҳам экин экилмайдиган, ташландиқ ёки паст-баландликдан иборат бўлган, ўзлаштирилмаган ерлардан ажратиларди.

Бу даврда уй-жой қурилишида маҳаллий шароит эътиборга олинмади. Айрим уйлар сифатсиз топширилди. Жанубий вилоят шаҳарларининг иссиқ иқлим шароитида ободончилик, кўкаламзорлаштириш ва аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш муҳим аҳамиятга эга эди. Бироқ, бу соҳада айрим ишлар қилинган бўлса ҳам, экилган дарахтларга ўз вақтида қарамаслик оқибатида уларнинг кўпчилиги қуриб қолиб, аҳолининг ичимлик суви билан таъминланиш даражаси 45 фоизни ташкил этиб, бетондан қилинган уй-жойларнинг 3,4 ва хатто 2- қаватларига ичимлик суви чиқмас эди. Боз устига бинолар иссиқ ёз шароитига мослаштирилмаганди[48].

Хуллас, тадқиқ қилинаётган йилларда енгил саноатнинг пахтачилик хом ашёсини тайёрлашга бўлган эътибор кучайтирилиб, ишчи-хизматчиларнинг моддий ва маънавий турмушига эътибор берилмаган эди. Ўзбекистонда юз берган бундай воқеаларнинг тепасида маъмурий–буйруқбозликка асосланган ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий тузум турган эди. Марказнинг талаби билан Ўзбекистондаги совет, партия ва хўжалик органлари қарорлар қабул қиларди. Адолатсизлик тоталитар жамиятнинг яшаш усули эди. Бу ҳолат охир-оқибатда ижтимоий ва иқтисодий зулмни туғдирган эди. Республиканинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида, айниқса чекка ўлкаларда ўта ноқулай вазиятнинг келиб чиқиши даставвал табиий ва иқтисодий қонунларнинг қўпол равишда бузилганлиги бўлса, яна иқтисодий усулларни инкор этувчи ва диктаторликка асосланган маъмурий-буйруқбозлик тизимининг, яъни давлат монополизмининг вужудга келишидир. Аслида совет даврида юритилган сиёсатда барча иқтисодий кўрсаткичлар юқоридан пастга режалаштирилар эди. Бу ҳолат Ўзбекистонда ҳам ўзининг салбий таъсирини ўтказмасдан қолмади.

[48] ЎзР МДА, 2325-фонд, 1-рўйхат, 78-иш, 164-варақ.

## III. ХУЛОСА

Диссертацияда барча манбаларнинг материаллари ва тарихий тадқиқотларнинг натижаларини ўзаро таққослаш асосида қуйидаги **хулосалар** чиқарилган:

1. Ўзбекистонда ва айниқса унинг жанубий вилоятлари бўлган Сурхандарё ва Қашқадарё вилоятларида енгил ва озиқ-овқат саноати маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми Иттифоқ бўйича ниҳоят даражада паст даражада бўлиб, енгил ва озиқ-овқат саноатининг ривожланиши жиҳатидан республика 1980 йили СССРда ўн иккинчи ўринда турар ва етиштирилган бойликнинг кўп қисмини хом-ашё маҳсулотлари ташкил этар эди. Воҳада арзон хом-ашё турлари кўп бўлса-да, уларни қайта ишлаш йўлга қўйилмасдан фақат Совет ҳукумати Марказнинг эҳтиёжи ва манфаатидан келиб чиққан ҳолда айрим маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ташкил қилган эди.

2. Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида енгил ва озиқ-овқат саноати корхоналарини қуриш, қайта таъмирлаш ва янги замонавий ускуналар билан таъминлаш масаласидаги камчиликлар корхоналарнинг ишлаб чиқариш қувватини янада ривожлантиришга тўсқинлик қилар эди. Енгил ва озиқ-овқат саноати корхоналарини қайта таъмирловчи саноат комплексларининг йўқлиги ва техник етишмовчиликлар туфайли саноат корхоналарининг иш унумдорлиги пасайиб, ишлаб чиқариш қувватларини янада оширишга имкон бермас эди.

3. Енгил ва озиқ-овқат саноати корхоналарининг маъмурий-буйруқбозликка асосланган иш олиб бориш жараёнлари меҳнат унумдорлигини оширишга, янги саноат маҳсулотларини тайёрлашга, маҳсулотларнинг сифат ва самарадорлигини кўтаришга имкон бермас эди.

4. Енгил ва озиқ-овқат саноати корхоналарида иш ҳажми камаймасдан узлуксиз ўсиб борса-да, маҳсулотларнинг сифати яхшиланмай, рақобатбардошликка йўл берилмаслиги туфайли корхоналарда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми камайиб кетди. Ўзини-ўзи маблағ билан таъминлаш масаласига имкон берилмаганлиги туфайли, ишлаб чиқарилган маҳсулотлар харидоргир бўлмасдан сифатсизлиги туфайли истеъмолчилар томонидан харид қилинмади. Бу ҳолат корхоналарнинг инқирозга учраши ва ўз фаолиятларини тўхтатишга сабаб бўлди.

5. Енгил ва озиқ-овқат саноати корхоналаридаги ишчи ходимларнинг меҳнатга муносабати, меҳнатни рағбатлантириш сунъий тарзда ташкил этилиб, маълум бир гуруҳ ишчилар меҳнати ажратилган ҳолда социалистик мусобақа шиорига асосланган ҳолда оммалаштирилар эди. Корхоналарнинг асосий ишчи-хизматчилари эса ушбу сунъий социалистик мусобақадан манфаатдор эмас эдилар.

6. Енгил ва озиқ-овқат саноати корхоналарида маҳсулотлар ишлаб чиқариш, уларнинг янги турларини яратиш, ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сақлаш, янги турдаги маҳсулотларни тарғиб этиш масаласида жиддий тадбирлар ишлаб чиқилмади. Эски технология асосида ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг сифати эса талаб даражасида эмас эди.



7. Совет ҳукумати енгил ва озиқ-овқат саноати корхоналарининг ишчи ва хизматчиларини ижтимоий ҳимоя қилиш масаласида адолатсиз муносабатда бўлиб, асосий эътиборни Марказдан кўчиб келтирилган русийзабон ишчи ва муҳандис-техникларнинг ижтимоий-иқтисодий турмуш даражасини яхшилашга сафарбар этди.

8. Енгил ва озиқ-овқат саноати корхоналаридаги маҳаллий ишчи ва мутахассисларни ижтимоий ҳимоя қилиш, маҳаллий аҳоли орасидан муҳандис-техник ходимларни тайёрлаш, уларни раҳбарлик лавозимига кўтариш, маъмурий-бошқарув тизимига жалб этиш масаласига унчалик эътибор берилмади.

9. Енгил ва озиқ-овқат саноати корхоналаридаги маҳаллий ишчи ва муҳандислар учун замонавий уй-жой қуриш, тиббиёт муассасаларининг хизматини кенгроқ жалб этиш, маиший хизмат турларини шакллантириш ҳамда ушбу соҳага зарур маблағларни сарфлашга эътибор қаратилмади.

10. Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида тайёрланган енгил ва озиқ-овқат саноати маҳсулотларининг катта қисми Туркистон ҳарбий округи жангчиларига, 1980 йилдан бошлаб эса Афғонистонда турган совет қўшинларига жўнатилди.

Ишлаб чиқаришнинг ривожланишига тўсқинлик қилаётган ушбу ҳолатлар туфайли юзага келган турғунлик Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудларида енгил ва озиқ-овқат саноатининг техник ва иқтисодий жиҳатдан издан чиқишига олиб келди.

Мазкур тадқиқотда қуйидаги ишлар амалга оширилди:

– Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларидаги енгил ва озиқ-овқат саноати корхоналаридаги ижтимоий-иқтисодий аҳвол, саноат корхоналарининг ташкил топиши, қайта таъмирлаш ҳамда ундаги мавжуд камчиликлар, нуқсонлар билан боғлиқ манбалар ўрганилди ва таҳлил қилинди;

– жанубий ҳудудларда енгил ва озиқ-овқат саноати корхоналарида маҳсулотлар ишлаб чиқариш самарадорлигини кўтаришга тўсқинлик қилувчи омиллар, мутахасислар билим савиясини оширишга салбий таъсир кўрсатган воқелик, замонавий технологик талабларга жавоб берадиган ишчи-техник ходимлар тайёрлашдаги камчиликлар илмий жиҳатдан ёритилди;

– мазкур ҳудудларда енгил ва озиқ-овқат саноати корхоналарида аҳоли эҳтиёжлари учун зарур бўлган маҳсулотлар ҳажмини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш, юқори сифатли озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришга тўсқинлик қилган омиллар аниқланди;

– бу даврда жанубий ҳудудларда енгил ва озиқ-овқат саноати корхоналарининг ривожланишига тўсиқ бўлган омиллар ўрганилиб, Ўзбекистон жанубий вилоятларидаги хом ашё бойликларининг Марказга олиб кетилганлиги тарихий ҳужжатлар асосида таҳлил этилди;

– жанубий ҳудудларда енгил ва озиқ-овқат саноати корхоналарининг ижтимоий инфраструктураси ҳамда аҳолининг маиший турмуш даражаси

таҳлил этилиб, бу борадаги муаммолар хусусида фикр юритилди;

– Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида енгил ва озиқ-овқат саноати корхоналари ишчи ва ходимларининг маданий ва маънавий дунёқарашидаги тафаккур ва маълум ижобий силжишлар, таълим фан, тиббиётдаги шарт-шароитлар ўрганилди.

Ўзбекистоннинг жанубий вилоятларида енгил ва озиқ-овқат саноатининг ривожланиши билан боғлиқ натижа ва муаммолар ҳақидаги диссертацион тадқиқот натижаларига таянган ҳолда қуйидаги **таклиф ва тавсияларни** бериш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

– корхоналар ўз фаолиятининг натижалари учун иқтисодий жиҳатдан тўла жавобгар бўлиши, корхона даромадларининг даражасини уларга бевосита боғлиқ қилиб қўйиши керак. Шу мақсадда барча корхоналар тўла хўжалик ҳисобига ўтиши ва ўзини-ўзи маблағ билан таъминлаши зарур, чунки барча корхоналар тўлик хўжалик ҳисобига ўтган эмас ва ўзини-ўзи маблағ билан таъминлаш имкониятига эга эмас;

– ҳар бир корхона ишчисининг ишлаб чиқаришда чинакам хўжайин сифатидаги мавқеини таъминлаш, корхона ҳуқуқларини мустаҳкамлаш мақсадида корхона жамоасининг ўзини-ўзи бошқарувига ўтишининг тўла ҳуқуқий асосларини яратиш, шахсий манфаатдорлик, ташаббускорлик, ишбилармонлик ва ғайрат-шижоатни рағбатлантириш учун моддий-маънавий ишончни яратиш зарур;

– Республикамиз мустақиллигининг дастлабки йилларидан бошлаб енгил ва озиқ-овқат саноатини ривожлантиришга кенг эътибор берилиб келинмоқда. Бироқ, бу соҳага хориж инвестициясини кўпроқ жалб этиш мақсадида хорижий инвесторларни енгил ва озиқ-овқат саноати ривожланишининг ҳозирги ҳолатини акс эттирувчи манбалар билан таъминлашнинг ахборот-дастурий(махсус журналлар чоп этиш, интернетда махсус сайтларни яратиш) воситаларини ривожлантириш лозим.

– Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларидаги енгил ва озиқ-овқат саноати корхоналари тўғрисидаги архив ва статистик маълумотларни алоҳида ҳужжатлар тўплами шаклида чоп қилиш керак;

– ушбу соҳанинг мустақиллик йилларидаги тарихини Ўзбекистоннинг жанубий ва марказий вилоятлари мисолида қиёсий ўрганиш ва ўзаро таққослаш мумкин.



## IV. ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ


1. Худойқулов У.К. Ўзбекистоннинг жанубий вилоятларида енгил ва озиқ-овқат саноати тараққиёти // (1970–1990 й.) Профессор-ўқитувчилар илмий конференцияси материаллари. – Термиз: 1995. –Б. 98.
2. Худойқулов У.К. Ўзбекистон саноатининг янги истиқболлари // Профессор-ўқитувчилар илмий конференцияси материаллари. – Термиз: 1996. – Б. 87.
3. Худойқулов У.К. Сурхондарё вилоятида пахта тозалаш заводлари тарихи // (1990–1991 й.).Профессор-ўқитувчилар илмий конференцияси материаллари. – Термиз: 1997. –Б. 117.
4. Худойқулов У.К. Ром заводи тарихи //Илмий-назарий конференция материаллари. –Тошкент: 1998. –Б. 218–219.
5. Худойқулов У.К. Ўзбекистон олтин бошоқ диёри //Республика илмий конференция материаллари. – Қарши: Насаф, 2000. –Б. 67–68.
6. Худойқулов У.К. Ўзбекистонда тўқимачилик саноати тарихи //Профессор-ўқитувчилар илмий конференцияси материаллари. – Термиз: 2002. –Б. 75.
7. Худойқулов У.К. Касбий таълим долзарб муаммолари //Профессор-ўқитувчилар илмий конференцияси материаллари. – Термиз: 2005. –Б. 109-110.
8. Худойқулов У.К. Саноат ишлаб чиқаришидаги тараққиёт ва муаммолар (1970–1980 йиллар) // Турон тарихи. – Тошкент: 2008, №3 –Б. 24–25.
9. Худойқулов У.К. Саноат ишлаб чиқариш: ютуқлар ва муаммолар //Жамият ва бошқарув. – Тошкент: 2008, №2. –Б. 19–20.
10. Худойқулов У.К. Саноат тараққиётининг бир томонлама хусусияти ва унинг оқибатлари // Турон тарихи . – Тошкент: 2008, № 6 Б. 22–23.
11. Худойқулов У.К. Малакали мутахассислар тайёрлаш // Жамият ва бошқарув. – Тошкент: 2008, №4. –Б. 104–105.

**Тарих фанлари номзоди илмий даражасига талабгор Худойқулов Урал Каримовичнинг 07.00.01-Ўзбекистон тарихи ихтисослиги бўйича "Ўзбекистонда енгил ва озиқ-овқат саноати: ривожланиши, муаммолар ва натижалари (1970–1980 йилларда жанубий вилоятлар мисолида)" мавзусидаги диссертациясининг**

## РЕЗЮМЕСИ

**Таянч (энг муҳим) сўзлар:** Сурхондарё вилояти, Қашқадарё вилояти, енгил саноат, озиқ-овқат саноати, пахта саноати, тўқимачилик, касаначилик, маҳсулот ишлаб чиқариш хажми, сут маҳсулотлари, техника-технология, Денов ёг-экстракция заводи, Шўрчи ун комбинати, Қарши сут ва гўшт корхонаси, "Ҳужум" бадиий буюмлар фабрикаси.

**Тадқиқот объекти:** Ўзбекистоннинг жанубий вилоятларида 1970–1980 йилларда енгил ва озиқ-овқат саноатининг ривожланишини илмий жиҳатдан ўрганиш.

**Ишнинг мақсади:** Совет ҳокимияти сиёсатининг 1970-1980 йилларда Ўзбекистоннинг жанубий вилоятларида енгил ва озиқ-овқат саноати соҳасидаги натижалари ва муаммоларини ўрганиш ва илмий таҳлил қилиш.

**Тадқиқот усуллари:** тадқиқотни амалга оширишда холислик, тарихийлик, қиёсий-таҳлилий ва танқидий усуллардан фойдаланилди.

**Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги:** мавзуга янгича методологик ёндашув асосида 1970–1980 йилларда Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудларида янги саноат корхоналарининг барпо этилиши, ишга туширилиши, маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ҳолати, енгил ва озиқ-овқат саноатининг халқ хўжалигига иқтисодий таъсири, иқтисодни юксалтириш соҳасида келиб чиққан муаммолар, натижалар ва унинг оқибатлари илк бор илмий жиҳатдан холисона таҳлил этилиб, умумлашган ҳолатга келтирилди.

**Амалий аҳамияти:** тадқиқот натижалари бўйича олинган хулосалар, келтирилган таклифлар, материаллардан Ўзбекистоннинг совет даври тарихини ёритишда фойдаланиш мумкин.

**Татбиқ этиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги:** тадқиқотнинг асосий натижалари ва ғоялари диссертант томонидан чоп этилган 11 та илмий мақола тезисларда ўз аксини топган.

**Қўлланиш (фойдаланиш) соҳаси:** тадқиқот натижалари Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларининг совет даври тарихи учун ахборот манбаи бўлиб, у олий ўқув юртлари, ўрта мактаблар, коллеж ва лицейлар учун ўқув ва услубий қўлланмалар тайёрлашда ёрдам беради.



## РЕЗЮМЕ

**диссертации Худойкулов Урала Каримовича на тему: «Легкая и пищевая промышленность Узбекистана: развитие, проблемы и решения (на примере южных области в 1970–1980 годы» на соискание ученой степени кандидата исторических наук по специальности 07.00.01- История Узбекистана**

**Ключевые слова:** Сурхандарьинская область, Кашкадарьинская область, легкая промышленность, пищевая промышленность, хлопковая промышленность, текстильная промышленность, ремесленное производство, объем производства товара, молочные продукты, техника и технология, Денаусский маслобойный завод, Шурчинский мукомольный комбинат, Каршинское предприятие мясомолочных продуктов, фабрика художественных изделий "Хужум".

**Объект исследования:** научное развитие легкой и пищевой промышленности южных области Узбекистана в 1970–1980 годы.

**Цель работы:** изучить и провести объективный научный анализ проблем и решений в области легкой и пищевой промышленности южных областей Узбекистана в период политики советской власти в 1970–1980 годы.

**Методы исследования:** для проведения исследования были использованы объективный, исторический, сравнительно-сопоставительный и критический методы.

**Полученные результаты и их новизна:** применяя новый методологический подход, в раскрытии темы были впервые с научной точки зрения объективно проанализированы и обобщены строительство новых промышленных предприятий в южных вилоятах (областях) Узбекистана в 1970–1980 годы и их ввод в эксплуатацию, состояние производства товара, экономическое влияние легкой и пищевой промышленности на сектор народного хозяйства, проблемы, возникшие в сфере улучшения экономики, результаты и их последствия.

**Практическая значимость:** данный материал, заключения по проведенному исследованию и предложения могут быть использованы для освещения истории Узбекистана в советский период.

**Степень внедрения и экономическая эффективность:** основные результаты и идеи по исследованию нашли свое отражение в 11 – научных статьях и тезисах, опубликованных диссертантом.

**Область применения:** результаты исследования являются информационным источником по истории Кашкадарьинского и Сурхандарьинского вилоятов в советский период, и могут быть использованы для написания учебных и методических пособий для вузов, школ, лицеев и колледжей.

## RESUME

**Thesis of Khudaykulov Ural Karimovich on the scientific degree competition of the doctor (philosophy) in history in specialty 07.00.01. – History of Uzbekistan on the subject: "Light and food industry of Uzbekistan: development, problems and solutions (on the example of south regions in 1970–1980)".**

**Key words:** Surkhandarya oblast, Kashkadarya oblast, light industry, food industry, cotton industry, textile industry, handicraft industry, volume of production, milk products, techniques and technology, Denau creamery, Shurchi flour plant, Karshi enterprise of meat and milk products, plant of artistic goods "Khujum".

**Subjects of the inquiry:** the scientific analysis of the light and food industry of the south oblasts of Uzbekistan between 1970 and 1980.

**Aim of the inquiry:** to study and to conduct an objective scientific analysis of the problems and solutions in the field of light and food industry of south oblasts in Uzbekistan in the period of policy of the Soviet power in 1970–1980.

**Methods of inquiry:** the objective, historical, comparative and critical methods have been used.

**The results achieved and their novelty:** using a new methodological approach the construction of new industrial enterprises in south regions of Uzbekistan in 1970–1980 and their introduction into exploitation, the state of good production, economical influence of light and food industry on the sector of national economy, problems having appeared in the sphere of economic improvement, results, and their sequences have been objectively analyzed for the first time from the point of scientific view in disclosing the theme.

**Practical value:** the material given, conclusions on the research and proposals can be used for illuminating history of Uzbekistan in the Soviet period.

**Degree of embed and economic effectivity:** the main results and ideas have found its reflection in eleven scientific articles published by the researcher.

**Sphere of usage:** The results of the research are the information source about history of the Kaskadarya and Surkhandarya oblasts in the Soviet period and can be used for writing educational and methodical textbooks for higher educational establishments, schools, lyceums and colleges.

Формат А5. Объем 1,5 п.л. Тираж 100 экз.

Отпечатано в минитипографии Управления делами АН РУз:
100047, Ташкент, ул. акад. Я. Гулямова, 70.